

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 676-ҳадис

676 - وَعَنْهُ قَالَ: كُنَّا إِذَا بَأْيَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ يَقُولُ
لَنَا: «فِيمَا اسْتَطَعْنَا». مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ [خ 7202، م 1867].

676. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламга қулоқ солиб, итоат қилишга байъат қилдик. Шунда у зот «Тоқатингиз етган нарсада» деб айтардилар».

Мұттафақұн алайҳ.

Шарх: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхүнинг бу гапларидан кўриниб турибдики, саҳобалар томонидан Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламга байъат тақрорланиб турған. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг:

«Тоқатларингиз етган нарсада», дейишлари, Исломнинг умумий қоидасига мувофиқ гапдир. Исломда инсондан унинг тоқатидан ташқари нарсани талаб қилиш йўқ.

Ушбу ҳадисдан олинадиган хуносалар:

- Расулуллоҳ алайҳиссаломга саҳобаи киромлар қайта-қайта байъат қилганлари. Демак, раҳбар билан унга эргашганлар орасидаги аҳднома-байъат вақти келганда янгиланиб турғани мақсадга мувофиқ экан.
- Расули акрам соллалоҳу алайҳи васалламга қулоқ осиш ва итоат қилиш ҳақида ҳам байъат қилинган.
- Ислом динида инсонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилиш йўқ экани. Агар халифа тоқат қилина олмайдиган ишни буюрса, бандани унга имкони етмаса, итоат шарт эмас.
- Ишбошилар Расулуллоҳ с.а.в. ўз умматларига меҳрибон бўлганлари каби улар ҳам кўл остиларидагиларга шафқатли бўлишлари лозим.

Манба: hadis.islom.uz

